

АНДИЖОН МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
“МУХАНДИСЛИК” факултети
“ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ИШЛАТИШ”
кафедраси
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

Т О П Ш И Р И Қ

Тўйчиев Сардор
(талабанинг фамилияси, исми-шарифи)

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: „GM – Ўзбекистон” ЁАЖнинг транспорт бўлимида ахборот бошқариш тизимини қўллаш самарадорлиги.

Институт бўйича 2010 йил 10 ноябрдаги 4-сонли буйруқ билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишини бажариш учун маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳукумат қарорлари, „GM-Ўзбекистон ЁАЖнинг транспорт бўлиминини техник-иқтисодий кўрсаткичларини олиш, нозимлик иш ва алоқа воситалари билан танишиб улардан фойдаланиш.

3. Тушунтириш хатида келтирилган маълумотлар:

- 1) Кириш. Республикамизда йўловчи ва юк ташиш соҳасида эришяётган ютуқларимиз, давлат дастурлари ва уларни бажарилаётганлиги ва автомобилсозлик тўғрисида маълумот.
- 2) Мавзунинг долзарблиги. Соҳа бўйича қарор ва фармойишларини таҳлили мавзунини ҳозирги кундаги долзарблиги ва унинг келажакдаги самарасини ёритиш.
- 3) Адабиётлар шарҳи. Президент асарлари, Илмий – техника адабиётлар ва соҳа бўйича фан адабиётларидан шарҳ келтиради.
- 4) „GM-Ўзбекистон” ЁАЖнинг транспорт бўлими бўйича маълумотлар ёритилади.
- 5) Иқтисодий қисм. Мавзу бўйича иқтисодий самараси каби ҳисоб ишлари келтирилади.
- 6) Мехнат муҳофазаси қисми. Мавзу бўйича ишлаб чиқариш корхоналарида техника хавфсизлиги қоидалари мехнат гигиенаси каби маълумотлар келтирилади.
- 7) Хулоса ва тақлифлар. Мавзу юзасидан юқорида қилинган ишлар бўйича умумий хулоса ва тақлифлар келтирилади.
- 8) Фойдаланган адабиётлар рўйхати. Фойдаланилган адабиётлар ва интернетдаги веб сайтларнинг рўйхати келтирилади.

9) Илова. Мавзу бўйича махсус жадваллар, расмлар ва интернетдан олинган маълумотлар илова қилинади.

4. Битирув малакавий ишининг чизмалари рўйхати:

1) „GM-Ўзбекистон“ ЁАЖнинг транспорт бўлимимини бош плани.

1) Транспорт бўлимини структуравий чизмаси.

2) Транспорт бўлимини ахборот бошқариш тизимини чизмаси.

5. Битирув малакавий иши қисмлари бўйича маслахатлар:

№	Битирув малкавий ишининг қисмлари	Бошланиш муддати	Тугалланиш муддати	Имзо	Маслахатчининг фамилияси
1	Кириш	18.12.2010	4.01.2011		Боботоев А.О.
2	Мавзунинг долзарблиги	24.12.2010	20.01.2011		Боботоев А.О.
3	Адабиётлар шархи	25.01.2011	20.02.2011		Боботоев А.О.
4	Асосий қисм	10.02.2011	25.03.2011		Боботоев А.О.
5	Иқтисодий қисм	25.02.2011	05.04.2011		Саримсақов А.
6	Хаёти фаолият хавфсизлиги	10.04.2011	20.05.2011		Сулаймонов Ш.
7	Хулоса ва таклифлар	15.05.2011	25.05.2011		Боботоев А.О.
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	20.05.2011	25.05.2011		Боботоев А.О.
9	Илова	25.05.2011	30.05.2011		Боботоев А.О.
10	1-чизма	10.05.2011	15.05.2011		Боботоев А.О.
11	2-чизма	15.05.2011	18.05.2011		Боботоев А.О.
12	3-чизма	18.05.2011	20.05.2011		Боботоев А.О.
13	4-чизма	20.05.2011	29.05.2011		Боботоев А.О.

6. Топшириқ берилган сана: 20 январ 2011 йил.

7. Тугалланган битирув малакавий ишини топшириш санаси
05.06.2011 йил

Битирув малакавий иши рахбари Боботоев А.О.
(имзо)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди Тўйчиев С
(имзо)

Кафедра мудири Алматаев Т.
(имзо)

М У Н Д А Р И Ж А

1. **Кириш.....**
2. **Мавзу долзарблиги.....**
3. **Адабиётлар шархи.....**
4. **Асосий қисм.....**
5. **Иқтисодий қисм.....**
6. **Ҳаёт фаолият хавфсизлиги қисми.....**
7. **Хулоса ва таклифлар.....**
8. **Фойдаланилган адабиётлар.....**
9. **Илова.....**

КИРИШ.

Каримов И.А ўзининг қатор асарларида ва маърузаларида жумладан «Жахон молиявий –иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Асарида шундай дейди: «Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси -бу 2008 йилда бошланган жахон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат: (1) «Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохий ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узок ва давомли миллий манфаатимизни амалга ошириш вазифасини қўллар эканмиз, энг аввалло «шон шароити» деб аталган усуллари бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик»

Мамлакатимизнинг узок ва давомли манфатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш урф туғдирадиган муаммоларни холи этиш зарур бўлганда иқтисодиётда даволаш томонидан бошқарув усуллари қўллади ва бундай ёндашув охир оқибатда ўзини тўла оқлади . Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий – иқтисодий буюджет, банк –кредит тизими , шунингдек иқтисодиётнинг реал интори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини такидлаш жоиз: «6 Шубха йўқ, жахон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт шароитлар мавжуд.

Авваламбор кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини пухта пойдеворини ,молия банк

тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб ва мустахкамлаб олганимиз бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар». «Бир сўз билан айтганда мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини бугунги ва эртанги қўшиладиган таъсирини ҳисобда олган ҳолда каътий ҳар тамонлама ўйланган кенг кўламли лойихалар бугун амалга оширилмоқда: Албатта мамлакатимизда бундай ғоя тадбирлар татбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш ҳеч шубҳасиз кўп жихатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни теран ҳис қилишни барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади» «2008 йилда янги ички маҳсулотни ўсиш суръатлари тўққиз фоизни саноатда 12,7 фоизни жумладан истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди» «Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлардан ривожланиб: қурилиш 8,3 фоиз транспортда ва йўловчи ташиш ҳажми 10,2 фоиз савдо соҳаси 7,2 фоизга ўсди» 2008 йил мобайнида юртимизда 661 минга яқин жумладан кичик бизнес соҳасида 374 минта хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида қарийиб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди «Албатта иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2008 йили алоқа ахборотлаштириш молия, банк транспорт хизмати кўрсатиш маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди.

Биз истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар шўрт пухта эканини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор (1) (22).

Каримов И.А. «Ўзбекистон 21 аср бўсағасида хавфсизликка шахид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти» кафолатлари китобида транспорти шундай муносабатини билдиради: «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асосининг транспорт муносабатларини тартибга солувчи қисмини умуман қабул этилган. Халқаро норма ва қоидаларига яқинлашиши бўлган фаол иш олиб бориладилар»(1-2)

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар қишлоқ хўжалик машиналари шунингдек чет мамлакатларида келтирилган ва кўмаклашаётган автомобиллар стоянқада турли технологик жихозларни рақобатлаша олган тахминан чидамлигини узайтириши учун доимий ўрганиб , ўзлаштириб пухталагини ошириб таҳлил қилиб бориш зарур.

Автонар хоналарда , хусусий хайдовчи участкаларда кўрсатаётган пухталигининг ва белгиланган қоидаларга шиорли хизматларини бажарилмаётганлигини сақлаш сифатини пастлиги автомобилларнинг узоқ муддат эксплуатация қилинмасдан келинмаётганлиги кўрсатмоқда.

Автомобилларнинг пухта ишлашини узоқ муддат фойдаланишни таъминлаш учун мунтазам равишда уларни тузилишини такомиллаштириш ишлаш қобилиятини яхшилаб туриш ва техник назорат тадбирларини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Бу талаб вазифаларни лойихалаш тайёрлаш ва фойдаланиш чоғида автомобиллардан фойдаланишни билан соҳа мутахассислари хал қила олишлари мумкин.

Каримов И.А «Ўзбекистон жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислох қилиш йўлида» асарида бўлажак ёш мутахассисларга шундай фикр билдиради. «Ўтиш даврининг ва бозор муносабатлари қарор топишининг демократик жамият ва ҳуқуқий давлат шаклланишининг энг мураккаб вазифалари хал этишга қодир бўлган юқори билимли, касб тайёргарлиги кучли кадрларни

тайёрлаш бизнинг бутун фаолиятимизнинг мухим устиворлиги хисобланади». (3)

Каримов И.А Халқ сўзи газетаси 2010 йил 13 ноябр 220 «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кансепция» Ўзбекистон Республикаси Президент И.А Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси олий мажлиси қонучилик палатаси ва сенатининг қўшимча мажлисидаги ахборот соҳасини ислох қилиш ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича алоҳида фикрлар билдирди.(4)

Бугун биз демократик жараённи чуқурлаштириш аҳолини сиёсий фаоллигини ошириш фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз албатта ахборот эркинлигини таъминламасдан оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва пазициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз .

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот технологияларни ва тизимларин қўллаган ҳолда ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмида белгилаб берган янги шахридаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиолаштиришларини тарқатишни йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадио каналида каналлар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришларини Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт ритмда жаҳонга узатилмоқда. Дунёнинг етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва

қайта тайёрлаш миллий тизимининг шакллантиришини ахборот соҳасидаги фаолиятининг сифати ва савиясини оширишга қаратилган чора тадбирлар тизимида кун жихатдан хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади .

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган меёрларини тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мултимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда Интернет тизимида фойдаланувчилар сафи жудаям сўрашлар билан кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истиқболлари ва устивор йўналишларини белгилаб олар эканмиз, биз ички эҳтиёжининг ўсишига алоҳида эътибор қаратимишимиз керак бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг яқин истиқболдан энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни исчин давом эттириш истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида яққол соҳаси ривожлантириш, механик меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш хизмат кўрсатиш сектирини инфра тизими ва объективларини ривожлантиришга транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширишга алоҳида эътибор беришди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Транзит гоҳ ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш, ҳамда «Трасека» дастурларида бевосита иштирок этиб «Буюк ипак йўли» ни тиклаш учун катта ва фойдали ишларни амалга оширмоқда. Буларнинг ҳаммаси ватанимиз автомобилсозлигини ривожлантириш ва ишлаб чиқарилаётган автомобилларни хизматини, сифатини дунё стандартларига тўла жавоб бериши зарурлигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун давлатимиз ўзининг автомобил саноатига асос солди ва бу соҳада хайрли қадам ташланди. Хусусан «УзДеуАвто» қўшма корхонасининг ишга туширилиши Ўзбекистонда тайёр маҳсулот ишлаб

чиқаришни, республика индустриясининг қудрати ортиб бораётганини кўрсатувчи муҳим фактдир.

Жаҳон мамлакатлари тарихидан маълумки дунёдаги энг кучли мамлакатларгина ўзининг автомобил индустриясига эга ва булар бугунги кунда 28 тани ташкил қилади.

Автомобил индустрияси бозорига кириш ва ундаги кучли рақобатга бардош бериш ўта муҳим иш бўлаётганлиги учун иқтисодий ва молиявий бақуват мамлакатлар ҳам бунга эриша олмаяптилар.

Ўзбекистон эса кучли рақобатчилари бўлган автомобил бозорига собиқ иттифок таркибидаги Республикалар орасида биринчи бўлиб кириб борди.

Президент Каримов И.А. ташаббуси билан Ўзбекистонда автомобил ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар барпо этиш мақсадида Жанубий Корея республикасининг «Деу» корпорацияси раиси ва мутахасислари билан музокаралар олиб борилди. 1992-йил 24-августда Тошкентда Жанубий Кореянинг «Деу» корпорацияси ва Ўзбекистоннинг «АвтоҚишХужМаш» давлат концерни ўртасида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида йилига 180000 дона автомобил ишлаб чиқарадиган «УзДэуАвто» қўш. кор. қуриш тўғрисидаги шартнома имзоланди. 1992-йил 5-ноябрда Ўз.Рес. вазирлар маҳкамасининг Асака шаҳрида «УзДэуАвто» қўш.кор. ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1993-йил март ойида қўш.кор. рўйхатга олинди ва умумий миқдори 658000000 АҚШ доллари ҳажмидаги қурулиш ишлари бошланди. Корхона қурилишига илғор технологиялар, тажрибали муҳандислар, Ўзбекистонлик ёшлар жалб қилинди. Мингдан ортиқ ёшлар Жанубий Кореяга бориб «ДэуАвто» компаниясида ишлаб автомобил ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиб келдилар.

Ҳозирги «GM Уз Авто» (УзДэуАвто) корхонасида дунё андозаларига жавоб берадиган 4 хил моделдаги автомобиллар ишлаб

чиқарилмоқда 3 хил модели «Чевролет» бренди остида «Эпика», «Каптивa», «Спарк» йиғилмоқда.

Автомобилсозлик янги ва ёш саноат тармоғидан Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим бугунига айланди. Айна пайтда мамлакатимиз машинасозлик комплекси махсулотларининг 1/3 қисмидан кўпроғи «УзАвтоСаноат» корхоналари томонидан етказиб берилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон автомобил саноати халқаро стандартлар ва мезонларга мувофиқ махсулотлар ишлаб чиқариладиган ва қисқа муддатда янги махсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мумкин бўлган ўнлаб замонавий корхоналарни ўз ичига олади. Автоиндустриянинг тараққиёти хусусан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиши автомобилсозликка туташ соҳаларнинг ҳам муваффақиятли ривожланишига туртки берди.

Республика ҳукуматининг қарорлари асосида бир неча йиллардан бери босқичма босқич амалга ошириб келинаёган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида бир талай корхоналар ташкил қилинди. Бу корхоналарда акумляторлар автоойна ўриндиклар бамперлар гулшителлар ёнилғи баклари салон ичи жихозлари автобўёқлар ва бошқа бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

2009 йил бошида Тошкент вилоятида қурилиши бошланган GM оовертраин Ўзбекистон заводи эса 2011 йил март ойидан авто ишлаб чиқариш соҳасида янги корхона двигателлар ишлаб чиқаришни бошлайди.

2009 йили Асакадаги автозаводда 95027 та Нексия автомобили 80144 та Матиз ва 29510 та Дамас ишлаб чиқарилди . Шунингдек 1389 та Ласетти 1892 та Каптивa 2061 та Эпика ҳамда 15 та Такума моделлари йиғилди.

1995 йилдан Самарқанд шаҳрида яна бир автомобил заводини қуришга киришилди. Узавтосаноат уюшмаси билан Туркиянинг

Кочхолдинг компанияси ўртасида автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарувчи Самкочавто қўшма корхонаси барпо этиш хақида битим тузилди. 1996 йилда Самкочавто корхонаси рўйхатга олинди ва қурилиш ишлари бошланди, автомобилларни лойихасини ишлаб чиқаришда халқ хўжалигини барча соҳаларида фойдаланиш учун қулай бўлишини тaminлаш мақсадида Италия Испания қўшма корхонаси ИВЭСО нинг ихчам конструкциялари асос қилиб олинди ва Кочхолдинг компанияси аъзоси Отайўл заводида улар Ўзбекистон шароитига мослаб такомиллаштирилди. 1999 йил март ойида «СамкочАвто» қўшма корхонаси ишга туширилди ва шу йили 163 та автобус 302 та кон ташувчи автомобил. 2000 йилда эса 483 та автобус 162 та кон ташувчи автомобиллар ишлаб чиқарилди. «Отайўл» русумли автобуслар Республика аҳолисининг асосий транспорт воситасига айланди.

Автотранспорт воситаларини узлуксиз ишлаб чиқариш учун ишончли эксплуатация материаллар бутловчи агрегат ва механизмлар ҳамда молиявий барқарорлик зарурдир. 2006 йил ноябр ойидан «СамкочАвто» автомобил заводи МЧЖ 100 %ли миллий капитал асосида банкрот деб тан олинди. « Уз автосаноат АК Шурк Коч холдингдан қўшма корхонадаги 300 минг долларлик улушини сотиб олди ҳамда қўшма корхона ва кредиторлар 2 томонлама келишув битими туздилар.

Қўшма корхона кредитлари корхонани молиявий ахволини яхшилаш мақсадидаги чора тадбирларни бири бўлиб 2006-2008 йиллар давомида Япония Иточу Корп корхонаси билан 3752 автокомплект дивигетеллар трансмиссиялар ва шасен Япон Исузу моторос автобусларини йиғишни кўзда тутган шартнома туздилар. «Асака» Ўзбек Давлат акциядорлик тижорат банки 6 млрд сўм устав фонди

билан «Узавтосаноат» АК лизинг компанияси «Узавтосаноат» лизингни ташкил этдилар.

Бугунги кунда «Узавтосаноат лизинг» компанияси орқали олинган Андижон шаҳридаги шаҳар йўловчи транс МЧЖ да 51 та Булоқбоши туманида «Абдужалил» КТХХФ да 20 та Асака шаҳридаги «Флайт Элит» МЧЖ да 10 та Пахтабод туманидаги «Маданият Файз саноат» МЧЖ да 6 та Мархамат туманидаги «Алпомиш мероси» хусусий фирмасида -18 та автобуслар вилоят аҳолисига хизмат қилмоқда ва яна кўпайтириш чора-режалари ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек «GM ЎЗБЕКИСТОН» автозаводининг транспорт бўлимига қаршли юк ташиш Автокорхонасида янги 40 та МНЗ русумли 30 та Исузу русумли ва 36 та МАН русумли автомобиллар ярим тиркамалар билан заводда ишлаб чиқилган енгил автомобилларни Асакадан анренгдаги халқаро логистиг марказ терминалига етказиб бермоқда. Юк ташиш автокорхонаси жорий йилни охиригача яна 50 та МАН русумли автояримтиркамаларини сотиб олиб халқаро йўналишларда енгил автомобилларни ташишни режалаштирилган. 2009 йил Ўзбекистон автомобил саноати кўшма корхона яна бир кўшма корхона билан бойиди. Германиянинг машхур «МАН МУТР ЛАХР Зенги АГ» ҳамда «Узавтосаноат акциядорлик компанияси томонидан Самарқанд шаҳрида автомобил техникаси йиғадиган кўшма корхонага асос солинди.

«Автот» газетаси (11.03 2010 йил № 10(1132)) «ЖВ МАН авто – Ўзбекистон» деб номланган янги корхонанинг низом жамғармаси 3 миллион еврога тенг бўлиб унда « Узавтосаноат» нинг улуши 51% ни (асосий фондлар ҳамда ишлаб чиқариш иншоотлари кўринишида) МАН компанияси улуши эса 49 %ни (пул маблағлари ҳамда асбоб ускуналар кўринишида) ташкил этади.

Қўшма корхонада юқори комфортли шахар автобуслари шунингдек иссиқлик энергия комплекслари ва металлургия корхоналари учун махсус техника Самосварлар тиркамалар, автокрантлар бургулаш қурилмалари учун платформалар йирик блокли сувда йиғилади.

2010 йилда Ўзбекистонда 832 та кон автомашинаси 1268 та автобус ва автомобиллар учун 190,9 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилди.

Қўшма корхонанинг ишга туширилиши нафақат республикада мавжуд бўлган юк ва йўловчи ташишга алоқадор муаммоларни хал қилади. Балки Ўзбекистонни экспорт салохиятини оширишга катта омил бўлади.

2. МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.

Мустақил Республикамиз халқ хўжалигининг олдида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, меҳнат шароитларини барча турдаги ресурсларни тежаш ва технологик жараёнларни ахборот бошқариш тизимига ўтказиш, автомобил транспорт ва унинг асосий тармоғи эксплуатация қилишда ахборот тизилмаларини қўллаш юқори самарадорликка боғлиқдир. Бошқарувнинг турли даражаларида , мавжуд муқобил вариантида, ва ресурс чекланишларида эришилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда асосланган муҳандислик ечимларини қабул қилишни талаб қилади.

Автомобилларнинг эксплуатацияси ва бошқариш муаммосини хал қилишнинг муҳим элементларидан бири техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш технологик жараёнларини такомиллаштириш, янгилаш (модернизациялаш) ҳисобланади, бу эса ўз навбатида иш жойларидаги жихозларини рационализация қилишни ҳамда меҳнатни илмий ташкил этишни ташкил қилади.

Ахборот билан ишлашнинг тавсифига қараб бошқаришнинг техника воситаларини бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

- ахборот олиш воситалари;
- ахборот қайд қилиш;
- сақлаш воситалари;

-ахборотдан нусха кўчириш ва уни кўпайтириш воситалари;

-ахборот бериш воситалари-ахборотни ҳисоблаш йўли билан ишлаш воситалари

Ахборотларни ишлаб чиқишнинг иқтисодий-математик усулларида ва замонавий воситалардан (ЭХМ, жамғариш, рўйхатга олиш, тасвирлаш мосламалари ва хоказо) фойдаланиш негизида

корхона фаолиятини бошқариш функцияларини бажаришни таъминлайди, яъни автоматлаштирилган бошқариш системаси (АБС) пайдо бўлади.

АБС ни жорий қилиш туфайли катта хажмдаги ахборотларга тезкор ишлов берилади: ахборотлар оқимини тартибга солиш ва ахборотлардан унумли фойдаланиш даражасини ошириш, бошқариш ходимларини сермехнат ҳисоблаш операциялардан ижодий меҳнат учун бўшатиш; чиқариш хўжалик фаолиятига раҳбарлик бўйича қарорларни оптималлаштириш ва бошқариш меҳнатининг умумий маданиятини оширишни таъминлайди.

Автокорхонани бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини вужудга келтиришда дастлабки қадам унинг иқтисодий ташкилий андозасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Иқтисодий- ташкилий андоза деганда бўлажак бошқариш системасининг қоидаларида, талабларида бажариладиган иш тартибида, тўпламида ва хоказоларда ташкилий тузилиши ва ишлаш тамойиллари йиғиндиси тушунилади.

Автокорхонани автоматлаштирилган бошқариш системасининг иқтисодий-ташкилий ахборотлашган андозасини ишлаб чиқиш ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг мавжуд тизимини тартибга солиш ва такомиллаштириш мақсадида уни текшириш ва тахлили қилишдан бошланади.

Биринчи навбатда корхонанинг мавжуд ишлаб чиқариш тузилиши яъни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлинмалари ҳамда хизматларнинг таркиби ва ўзаро алоқаси чуқур тахлили қилиниши лозим. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) тузилиши ушбу корхона ишлаб чиқариш тоифасига тавсифига муайян хусусиятлари ва миқёсларига қанчалик мос келишини у ишлаб чиқариш жараёнларини оқилона ташкил этишнинг асосий талабларини қондира олишини аниқлаш муҳимдир. Шунга кўра

ишлаб чиқариш алоқалари юк ташиш, диспетчерлик ишлари, моддий оқимлар ва бўлимлар ҳамда қисмларни ихтисослаштириш шакллари ўрганилиб тегишли тавсиялар берилади. Ташкилий тузилмани ташкил этишда тузилишли бўлинмаларда айрим бошқарувчилар бажариладиган бошқариш функцияларини пухта ўрганиш лозим. Тахлилдан мақсад ишнинг хажми ва мазмуни корхонанинг эҳтиёжларига ва эҳтиёжларни бажариш билан банд бўлган ходимларнинг миқдорига қанчалик мос келишини аниқлашдир. Шу асосда айрим бошқариш ходимлари вазифаларини кўшиш ҳисобига майда бошқарув бўлинмаларини йириклаштириш ва ортиқча тузилмани бошқарув бўлинмаларини тугатитиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Автокорхонани автоматлаштирилган бошқариш системасини ахборот билан таъминлашга:

- меъёрлаш-маълумотнома базаси;
- кодлаштириш ва киф тизими;
- ахборот ташувчи тизим;
- ҳужжат айланма тизими киради.

Ахборот оқимларнинг ўрганишнинг турли усуллари; тармоқ андозаси асосида, қолипни андозалаштириш, графоаналотик ва хоказо усуллар билан ўрганиш мавжуд. Буларнинг энг соддаси ҳар бир бўлимда тузиладиган тузилиш-ахборот схемаси асосида бўлинмалар ўртасидаги ҳужжат айланмаси ва ўзаро алоқани ўрганишдир. Схемаларда ҳужжатлаштирилган ахборотларнинг вужудга келиш манбалари ва қабул қилиб олиниси, шунингдек уларнинг ҳаракат маршрутлари акс эттирилади. Автокорхонадаги ҳужжат оқимлари умумий ахборот андозасида бирон бир кичик тизим ўрнини аниқлаш бошқариш жараёнини математик таъминлаш ва унинг техника мажмуи учун талаблар билдириш имкониятини яратади. Математик таъминлаш деганда ушбу автокорхонада автоматлаштирилган бошқариш системаси

хал қиладиган барча мажмуи вазифалар бўйича ахборотларни компьютерда (машинада) ишлашнинг алгоритмлари ва дастурлари тизими тушунилади. Хозирги ЭХМ ларда кўп дастурли режимда ишлаши мумкин. Бунда бир қанча масала бир вақтнинг ўзида ҳисоблаш машинасида бўлади ва иккинчи бир масалани бажаришга ўтиш учун топшириқлардан биринчи вазифани тўхтатиш ҳамда кейинчалик тўхтатилган дастурга қайтиш мумкин.

АБС ни техника жихатдан таъминлаш қурилмалари ва машиналарнинг уч асосий гуруҳини ўз ичига оладиган техника воситалари мажмуидан иборат:

- ахборотни ишлаш тизимига маълумотларни киритадиган воситалар;
- ахборотни тўппа-тўғри ЭХМ га берадиган алоқа қурилмалари ва спутник каналлари;

- ахборот киритиш ва бериш мосламалари билан жихозланган ЭХМ лар.

Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида вазифасига кўра иқтисодий ахборот бошқарувчи ва хабар берувчи ахборотларга бўлинади.

Бошқарувчи ахборот ижрочилар эътиборига етказиладиган қарорлар ё тўғридан тўғри буйруқлар, режа топшириқлар ёки ижрочининг хатти харакатини изохлайдиган иқтисодий ва моддий рағбатлантириш кўринишидан иборат бўлади.

Хабар берувчи ахборотда ечим ёки қарорнинг бажарилиш машиналари, бошқариладиган объектнинг ҳолати ҳақидаги маълумот ва хоказолар бўлиб, улар ҳисобга олинган ҳолда янги қарорлар қабул қилинади, яъни бошқарувнинг бундан кейинги жараёни амалга оширилади. Мамлакатимиздаги ахборот тизими бошқарув ахборотини ҳам, хабар берувчи тезкор ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш, бухгалтерия ҳисоби, банк ахбороти, статистикани, транспортларни бошқаришни ҳам ўз ичига олган. Бу барча соҳаларда маълумотларни катта ишлашнинг

автоматлаштирилган бошқариш системаси ривожланганлигини кўрсатади.

Хар бир бошқарув органининг, хар бир бошқарув тизимининг, шу жумладан, автоматлаштирилган бошқариш системасининг вазифаси, бу кўрсаткичлардан мамлакатнинг олий босқичида бошқаришнинг барча даражаларида ечим ёки қарор қабул қилиш учун энг кўп фойдали ахборот олишдан иборатдир.

1.2 Янги илмий ғоя (инновация) ларни амалиётга жорий этишнинг асосий йўналишлари.

Янги илмий техник ғоя деганда фан, техника, технология, бошқариш, ахборотлар базасини яратиш, жамиятини ижтимоий фаолияти каби йўналишлари яратиладиган, қўлланиладиган, истеъмол бозорида ўзлаштириладиган, хомашё ва ярим махсулотларни олиш манбаларида амалиётга жорий этиладиган ихтиролар ва кашфиётлар ҳамда тегишли қайта қуриш ҳаракатлари тушунилади. Янги назарий (илмий) ғоялар, илғор ишлаб чиқариш тажрибалари ва янги техника, технологиялар янги ва илғор билимлар ва маҳоратлар жамланиши туфайли пайдо бўлади. Улар техник конструкциялар, технологиялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, хизмат кўрсатишларда намоён бўлади, уларни бошқа объектларда қўлланиши ижобий натижада келтирилади. Янги махсулотни технологияни ўзлаштириш тадқиқотлар ўтказиш, параметрлари ва харажатлар билан боғлиқ томонларни таҳлил қилиш, даромадлар ва харажатлар оқимини режалаштириш каби чора тадбирлар бажарилишини талаб қилади.

Янги ғоялар моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларда меҳнат унумининг доимий ўсишига олиб келган, у жамоа ва жамият ҳаётининг барча жабхаларига таъсир этади. Шу сабабли янги ғояда меҳнат фаолияти доирасида инсонни фаоллаштириш омиллари, сифатига, меҳнат интизومي ва ишлаб чиқаришни бошқаришга

сезиларли талаблар ошиши билан боғлиқ. Маълумки янги техника ва технологияларнинг жорий этилиш, механизациялаш ва автоматлаштириш мажмуи, шахснинг ижодий ташаббусининг тараққий этиши асосида меҳнат унумдорлиги ўсади, жамоа ва корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятига таъсир этиш такомиллашади. Янги илмий техник ғояларни амалиётга жорий этишнинг асосий йўналишлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажарилишининг мажмуини автоматлаштириш;
- компьютерлаштириш ва ЭХМ лардан кенг фойдаланиш ;
- ахборот технологиясига ўтиш;
- янги транспорт ва алоқа воситаларини яратиш;
- мембрана, лазер, плазма ва бошқа технологияларни ўзлаштириш;
- самарали конструкцион материаллар қўллаш;
- биотехнологияни тез суръатлар билан тараққий эттириш;
- моддий ресурсларни тежаш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш жараёнларини яхши олиб бориш учун назорат ҳамда бошқариш операциялари бир-бири билан боғлиқ олиб борилши зарур. Ишлаб чиқаришнинг боришида одамни иштироқи жараён боришни назорат ўлчов асбоолари ёрдамида кузатиш ҳамда машина ва механизмлар ишини бошқаришдан иборатдир.

Автоматлаштиришни иерархик структурага кўра 3 босқичда олиб борилади:

- 1-босқич. Хусусий автоматлаштириш;
- 2-босқич. Комплекс автоматлаштириш;
- 3-босқич. Тўлиқ автоматлаштириш.

Хусусий автоматлаштиришда бир-бирига боғлиқ бўлмаган асосий ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштрилади. Бунда алохида агрегат,

аппарат ёки технологик қурилмалар алохида-алохида автоматлаштирилади.

Комплекс автоматлаштиришда бир-бирига боғлиқ бўлган асосий ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилади. Алохида цехлар технологик бўлим ва технологик тизимларни автоматлаштириш комплекс автоматлаштиришнинг мазмуни бўлиб ҳисобланади.

Тўлиқ автоматлаштиришда эса бир-бирига боғлиқ асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилади. Бунда ишлаб чиқариш корхонага тўлиқлигича автоматлаштирилади.

1.3. Автоматик ахборот бошқариш назариясининг асосий тушунчалари.

Илмий- техника прозрессининг самарадорлигини ошириш йўлларидадан бери ишлаб чиқаришни автоматлаштиришдир.

Янги буюм тайёрлаш учун йўналган ишлаб чиқариш жихозлар комплекси моддий ва энергетик оқимлар хомашё ёки ярим тайёр маҳсулотга ишлов бериш ва қайта ишлаш усуллариининг вақт бўйича кетма-кет алмашишига технологик жараён деб аталади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри кечиши ёки оптимал олиб борилиши учун системасини бошқариш алгоритмга мувофиқ уларга аниқ таъсирлар юборилиши талаб қилинади. Берилган функционаллаш алгоритмни бажариш учун бошқариладиган объектга ташқаридан бериладиган таъсирлар характерини аниқлайдиган ёзувлар тўпламига бошқариш алгоритми дейилади.

Бирор қурилмада (бошқариладиган объектга) ёки системада ишлаб чиқариш жараёни тўғри бажарилишини таъминлайдиган ёзувлар тўплами функционали алгоритм дейилади. Хар бир системада бошқарувчи ва бошқариладиган асосий қисмлар бўлиб, улар ўртасида тўғри ва тесқари боғланишлар мавжуд.

Кибернетика-бошқариш мақсадида қабул қилиш сақлаш ва қайта ишлаш қобилиятига эга бўлган ҳар қандай табиатли системани ўрганадиган фан. Унинг предмети эса бошқариш, қонунларин ўрганишдир.


Кимё-физикавий жараёнлар ва уларни ишлаш учун керак бўлган қурилмалар тўпламига система деб аталади. Саноатда система ўз ичига технологик жараён, агрегат, машина, аппарат, қурилма, ишлаб чиқаришни назорат ва бошқариш қурилмаларини олади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнини автоматик бошқариш системаси бир-бири билан узвий боғланган қисмлардан иборат: Технологик бошқариш объекти (ТБО) ва бошқариш қурилмаси(БК)

Автоматик схемаларни кичик ва катта системаларга бўлиши мумкин. Кичик системалар ишлаб чиқариш жараёни хоссалари билан аниқланиб у билан чегараланади.

Катта системалар эса кичик системалардан сон ва сифат жихатидан фарқ қилиб, кичик системалар йўналишидан иборатдир.

Ҳозирги замон ҳисоблаш техникаси ва автоматик қурилмаларни ривожланиши натижасида технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш системалари (Т жАБС) ни қўллаш талаб қилинмоқда.

Технологик бошқариш объекти (ТБО) технологик жихоз ва унда ишлаб чиқариш жараёни регламентига мувофиқ равишда кечадиган технологик жараёнлар йўналишидир.



1-расм. Технологик объектларни автоматик бошқариш системасининг структура схемаси.

ТБО га қуйидагилар киради:

1. Технологик агрегат ва қурилма;
2. Цехлар ёки технологик майдон
3. Ишлаб чиқариш мажмуаси.

Қабул қилинган бошқариш критериясига мувофиқ технологик жараёнларни бошқариш учун қўлланиладиган қурилма технологик жараённи автоматлаштирилган бошқариш системаси (ТЖАБС) дейилади.

Автомобилларга ТХК ва ЖТ бўйича шунингдек юк ва йўловчи ташиш бўйича хизмат кўрсатишга эҳтиёжни қондиришга таъсир этувчи омилларни атрофлича ўрганмасдан автокорхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларни режалаштириш ва башорат қилиш мумкин эмас. Бунда ижтимоий омиллар, ёнилғи, қисмлар, ташиш сохаларини янги ташкил қилиш ва автомобилларга ТХК ва ЖТ бўйича хизмат кўрсатишнинг ўхшашлар хизмат кўрсатишга эҳтиёжни белгилайдилар. Янги фан ва техника ғоялари (инновация) илғор тажриба етарли эмаслиги қатор хизмат кўрсатиш турларига бўлган эҳтиёжлар чекланган. Автокорхоналар бўйича янги ғояларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадлари учун ва юк автомобилларини йўналишларидаги ҳаракатини назорат қилиш ҳамда ЖТ бўйича хизмат кўрсатишидаги автомобилларни эҳтиёт қисмларини ва шунга ўхшашларни сотишда зарур бўлган меъёрлик эҳтиёжи мавжуд бўлмоғи лозим. Шундай қилиб, юк ташишни ташкил қилиш хизматларига; автомобилларга ТХК ва ЖТ автошиналарга таъмирлашга; аккумуляторлари таъмирлаш ва зарядлаш; транспорт воситаларини сақлаш жойларида кўрсатиладиган хизматлар, ювиш, сақлаш, автомобилларининг шикастланган ва ейилган қисмлари буюмлари, узеллари ва агрегатларини тиклаш каби хизмат турлари бўйича комплекс тизимда ёндашиб янги фан ва техника ғояларини жорий этиш мумкин.

Ушбу масалаларни ечишда янгиликлар (инновация) асос бўла олади, “GM Ўзбекистон” ЁАЖ нинг транспорт бўлимида ахборот бошқариш тизимларини қўллаш, яъни йўналишда (маршрутда) юрган енгил автомобилларни ташувчи юк автотирнамаларни (МАН ИСУЗУ, МАЗ) ҳаракатини назорат қилиш ва бошқариш учун “GPS” навигация

ускуналари билан жихозлаш АТК ни техника хизматини бошқаришини автоматлаштириш ва эҳтиёж қисмлар материаллар ҳаракати ЭХМ га уларнинг кодлари ва миқдорини киритиш усуллари ижобий натижалар беради.

3. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.

Битирув малакавий ишини бажариш учун бир нечта фан адабиётларидан, дарсликлардан, маъруза курсларидан, газета ва журналлардан, транспорт корхонаси маълумотларидан кенг фойдаланилди. Қуйида ана шулардан олинган маълумотлар шархи келтирилмоқда.

1. Каримов И.А. “ Жахон молиявий иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида ўқиб бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимишга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиш, энг аввало деб аталган усулларни бизга четдан кўриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўша жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик. Шубха йўқ жахон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд бир сўз билан айтганда, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини хисобга олган холда қатъий, хар томонлама ўйланган кенг кўламли лойихалар бугун амалга оширилмоқда. Иқтисодиётнинг мухим тармоқлари хам барқарор суръатлар билан ривожланди: транспортда юк ва йўловчи ташиш хажми-10,2 фоизга ўсди. 2008-йилда алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш сохалари анча юқори суръатлар билан ривожланди. Хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантириш бўйича худудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни ахоли айниқса, ёшларнинг бандлигининг, қишлоқда хаёт даражасини оширишнинг мухим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар кўриш зарур.

2. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.”

27

Хозирги кунда давлатимиз ривожланиш босқичларини босиб ўтмоқда. Иқтисодий ижтимоий ривожланган давлатлар қаторига кириш учун Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни тез фурсатда имкон борича юқори даражаларга олиб чиқиши керак. Энергетика, комуникация, транспорт ва ишлаб чиқариш тизимлари шулар жумласидандир.

3. Каримов.И.А ” Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамизни босиб ўтган йўли ва қабул қилинган тамойилларини амалга оширилиши соҳасидаги тараққиёт йўли ушбу асарда акс этирилган .

4. Каримов.И.А “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” .Босқичма – босқич бошқарувни ва иқтисодий кўрсаткичларни такомиллаштириш ҳамда “Ўзбекистон модели” деб қабул қилинган йўлида аҳолини ва хўжаликларни бошқариш ёритилган.

5. Каримов.И.А “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” Ушбу асарда мамлакатимизни босиб ўтган йўли , истиқлолга эришилган йиллардаги қийинчиликлар ва келгуси асардаги вазифалар кенг маънода илғор фикрлар берилган .

6. “Халқ сўзи” газетаси 2010-йил 13-ноябр Н220(5135) “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”.

7.Мусаждонов.М.З “Автотранспорт тармоғи корхоналарни лойihalаш” дарслигида автотранспорт тармоғи корхоналарни лойihalаш асослари ва услубияти берилган, корхоналар таснифи, уларни лойihalаш тартиби, технологик лойihalаш меъёрлари, шунингдек, хар хил турдаги автотранспорт корхоналарининг технологик хисоби, уларни

режалаштириш республикамиз ва хорижий мамлакатлар замонавий лойихалаш амалиётида

келтирилган, яратилган корхоналарнинг янги ва қайта қуриш режалари, уларнинг техник иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

28

8. Хамроқулов О, Магдиев Ш. ”Автомобилларнинг техник эксплуатацияси” дарслигида амалий фаолиятидаги автомобиллар техник эксплуатациясининг ҳолати. Яъни автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш, технологияси, ҳамда автотранспорт корхоналарда ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологик жихозлар, ҳаракатдаги таркибга моддий техник таъминотни ташкил қилиш ва ресурсларни тежаш усуллари, автомобил транспортини турли экстримал табиий-иқлим ва йўл шароитларидаги, асосий ишлаб чиқариш базаларидан ажралган ҳолдаги, ҳамда махсуслаштирилган ҳаракатдаги таркибнинг эксплуатацияси, автомобил транспортининг атроф муҳитга зарарли таъсирининг йўналишлари ва уларни камайтириш йўллари келтирилган.

9. Сиддиқназаров М. умумий таҳрири остида таржима қилинган. “Автомобиллар техник эксплуатацияси” даражасида автомобиллар техник эксплуатациясининг ҳолати фан тармоғи ва амалиёт фаолият сифатида, эксплуатация соҳасида ишлаётган муҳандисга талаблар ёритилган, автомобиллар техник ҳолатининг ўзгариш сабаблари, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш режали оғохлантириш тизими, уларни меъёрлари хизмат кўрсатиш воситаларининг ўтказиш қобилиятини шакллантириш қонуниятлари, автомобилларга ТХК ва таъмирлаш технология асослари, ишлаб чиқаришни бошқариш услублари ва техник таъминотни ташкил этиш, махсус шароитларда автомобилларнинг техник эксплуатацияси ва улар тараққиётининг истиқболлари ва экологик хавфсизликни таъминлаш услублари баён этилган.

10. Асатов Э.А, Тожибоев А.А. “Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари“ ўқув қўлланмасида транспорт воситаларининг техник ҳолати, ишлаш қобилияти, қисми ва бирикмаларнинг ҳар хил омиллар таъсирида эскириши, ёйилиши ҳақида тушунча пайтида уларга сарфланадиган эҳтиёт қисмлар учун меъёрлар келтирилган.

29

11. Махмудов Г.Р.”Автомобилларни электр ва электрон жихозларини тузулиши, ишлаш принциплари, уларда мумкин бўлган бузуқликлар ҳамда уларга ТХК асослари берилган.

12. Гурин Ф.В, Клеников В.Д, Рейн В.В.” Автомобилсозлик технологияси” Заводларда автомобил ишлаб чиқариш технологияси асослари ва уларни қўллаш ва такомоллаштириш йўллари берилган.

13. Болбос М.М. “Основи технологический эксплуатации” атомобилей. Автомобилларни эксплуатация қилиш, уларга ТХК ва ремонт ишлари ўтказиш бўйича йўриқномалар берилган.

14. Шестопалов С.К. Устройство техническое обслуживания И ремонт легкових автомобилей.

Янги автомобилларнинг тузулиши уларга ТХК ва ремонт ишлари бажариш технологияси, замонавий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилган.

15. Данов.Б.А. Электронную систему управления иностранных автомобилей. Автомобил ИЁДларидаги жараёнларини кузатиш ва бошқа автомобил қисмлари иши ҳақида маълумотлар олиш учун қўлланилган электрон бошқариш тизими ҳақида тўла маълумотлар берилган.

16. Правилатехнической эксплуатации автозаоравочних станций. Р.Д 153-39,2-080-01. автомобилларни ёнилғи қуйиш шахобчаларидан тўғри фойдаланиш улардан ёнилғи хавфсизлигига ва меҳнат хавфсизлигига асослари келтирилган.

17. Стоянки автомобилей С.НиП 21-02-99. енгил автомобиллар сақлаш жойлари учун меъёрий ва миқдор ва қоидалар берилган.

18. Алматаев Т.О, Носиров И.З. “транспорт воситалари ички ёнув двигателлари”. Автомобил ИЁДларидаги жараёнларини кузатиш ва бошқа автомобил қисмлари иши хақида маълумотлар олиш учун қўлланилган электрон бошқариш тизими хақида қисқача маълумотлар берилган.

30

19. Қосимов Г.М “Транспорт корхоналарида менежмент” дарслигида ишчи жойларида ошиб бораётган рақобат, хизмат вазифаси бўйича силжиш, янги билимларни эгаллаш, янги малакаларни пайдо бўлиши ишбилармонларнинг ортиб бориши, йирик корхоналарда янги тафаккур ва ғояларни пайдо бўлиши ва шу кабилар менежмент, менежер, маркетинг ва бошқа иқтисодий-муҳандислар олдига қўйган мураккаб, долзарб масалалар ёритилган.

20. Хўжаев Б.А. “Автомобилларда юк ва пассажир ташиш асослари” Ўзбекистон республикасида турли автомобил транспорт воситалари ёрдамида юк ва пассажир ташиш асослари келтирилган.

21. Махкамов К.Х, Алматаев Т.О. “машиналар пухталиги”. Автомобил ва қишлоқ хўжалги машиналари учун ишончлилик, уларни ремонт қилиш асослари, деталларни ремонт қилиш технологияси хақида маълумотлар берилган.

22. Хўжаев Б.А “Ягона транспорт тизими ва хар хил транспортлар ўзаро ёндашуви”. Дарсликда республикамиздаги барча транспорт турларининг ахмияти, уларнинг ўрни ва истиқболлари, техник- иқтисодий хусусиятлари ҳамда улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш масалалари ёритилган.

23. Мавлонов Б.М ва бошқалар. “Автомобил ва двигателларни таъмирлаш”.

Ушбу дарсликда автомобил ва двигателларни таъмирлаш фанининг намунавий дастури асосида ёзилган бўлиб, унда автомобилларнинг таъмирлаш асослари, автомобилларни тубдан таъмирлаш технологияси, деталларни қўйма корпус деталларни таъмирлаш усуллари, уларни таснифи ва мазмуни, таъмирлаш самарадорлигини ошириш ҳамда жараёнларни ихтисослаштириш масалалари баён этилган.

24. “Авто +” газетаси. 2011-йил 6-январ Н1(1174).

“ГПС новигацияси такси машиналари”.

Ўзбекистонда ГПС новигация ускуналари билан жихозланган биринчи такси енгил автомашиналари хизмат кўрсата бошлади. Такси машиналари

“Ласетти” русумли бўлиб, ГПС приёмниги билан жихозланган. Ушбу ускуна сунъий йўлдош орқали олинган маълумотлар асосида такси турган жойни аниқлаш имконини беради. Кейин бу маълумот диспетчерлик хизмати серверига узатилади. Буюртмани кўриб чиқиш бир неча сония вақтни олади ва шундан сўнг диспетчер буюртмачига машина етиб борадиган аниқ вақтни айтади.

25. “Авто +” газетаси. 2011-йил 24-март Н12(1185).

“Йўл харакати компьютер орқали бошқарилади”.

Тошкент шаҳрида йўл харакати хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашни бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича лойихани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Унинг дастлабки техник-иқтисодий асослари Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланди. Лойиха доирасида пойтахтимизнинг 120 чоррахасида йўл харакати автоматлашган тизим орқали бошқариш таъминланади. Мазкур тизимни татбиқ этиш, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра қарийб 20млн долларга тушиши мумкин.

26. “Авто =” газетаси. 2011-йил 17-феврал Н7(1180)

Автомобиллар учун “Қора қути”.

“Қора қути” авиацияда қўлланилиши хақида эшитгансиз: мутахасислар самалётнинг халокати сабабини “Қора қути”даги маълумотлар асосида ўрганадилар. Автомобиллар мисолида унинг функциялари бир мунча ўзгаради. Ушбу мосламалар кўпроқ “тревога тугмаларини” эслатади: агар компьютер автомобил ишида авария хатарини келтириб чиқарувчи носозликларни сезса шу захоти экстрен ёрдам кўрсатиши хизматига тревога сигнали ва машина турган жой координатларини жўнатади. ЙТХ хақидаги оператив маълумотлар қутқарувчиларга воқеа жойига қисқа вақт ичида етиб келиш имконини бериши билан қимматлидир.

27. Ўқув адабиётлардан ташқари, илмий қўлланмалар, газета ва журналлардан ҳамда интернет маълумотларидан ҳам кенг фойдаланилди.

<http://www.Barclay.ru>

<http://www.maha.ru> . ташхисловчи асбоблар

<http://www.bmi-usa.com/> дастгоҳ ва қурилмалар

www.ziyo-net-uz

www.uz-ex-uz

www.ttb-uz

www.ziyo-free-net-uz- АТКда ишлаб чиқаришни бошқаришни техник воситалари.

4. АСОСИЙ ҚИСМ.

Каримов И.А. Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятининг сифатида ва тавсиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жихатдан хал қилувчи аҳамияга эга бўлади.

Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Корхоналарда ишни автоматик тарзда назорат қилиб турадиган ва ҳисобга оладиган турли мосламалар ва асбоблар; бекор туриб қолиш вақтини сабаблари бўйича алоҳида қайд қиладиган мосламалар; маъмурий ишлаб чиқариш алоқаси ва сигнализация воситалари; ҳужжатларни сақлаш, излаш ва узатиш воситалари; бўлим ва бўлинмалар, цех ва қисмлар ичида қўлёзма шакллари дистанцион тарзда ўтказиб бериш учун телеавтографлар, мултбмодемлар; ҳисоб пefоракцион ва ЭХМ лар ишлатилмоқда.

Замонавий воситалардан (ЭХМ, жамғариш, рўйхатга олиш, тасвирлаш мосламалари ва хоказо) фойдаланиш негизида корхона фаолиятини бошқариш функцияларини бажаришни таъминлайди, яъни автоматлаштирилган бошқариш системаси (АБС) пайдо бўлади.

АБС ни жорий қилиш туфайли катта ҳажмдаги ахборотларга тезкор ишлов берилади: ахборотлар оқимини тартибга солиш ва ахборотлардан унумли фойдаланиш даражасини ошириш, бошқариш ходимларини сермехнат ҳисоблаш, операциялардан ижодий меҳнат учун бўшатиш; ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятига раҳбарлик бўйича қарорларни оптималлаштириш ва

бошқариш меҳнатининг умумий маданиятини ошириш таъминланади.

34

4.1 “GM- Ўзбекистон” ЁАЖнинг транспорт бўлимида ахборот бошқариш тизимларини қўллаш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқаришни бошқаришни техник воситаларидан фойдаланиш.

Хар қандай ишлаб чиқариш объектини бошқариш жараёнини ахборот, билан таъминлаш нуқтаи назаридан қуйидаги операциялардан бўлиш мумкин:

- объектни жорий ҳолати ҳақидаги ахборотни рўйхатга олиш;**
- ахборотни узатиш;**
- ахборотни ишлаш;**
- ахборотни таҳлил этиш ва бошқариш қарорларини қабул қилиш;**
- қабул қилинган қарорларни амалга ошириш.**

Агар транспорт бўлимини техника хизматини бошқаришни автоматлаштирилган подсистемасини ташкил қилишни биринчи босқичида ТХ ва Т ни марказлаштирилган тизими ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўлими диспетчерлик алоқа воситалари ва ташкилий техника билан таъминланган бўлса иккинчи босқичда юқорида қайд этилган операцияларни автоматлаштириш учун комплекс техник воситалардан (К.Т.В.) фойдаланиш зарур бўлиб қолади.

КТВ ҳисоблаш жараёнини ташкил этишга бўлган талаб бўйича тубдан фарқланадиган икки тоифа масалани ечади. Биринчи тоифага календар режани истиқболлаш, ҳисоб-статистика ва бошқа масалалари ечиш келаётган ва чиқаётган ахборотни катта массивларини ҳисоблаш жараёнини ташкил этишни талаб этади. Бу масалани ечиш самарадорлиги ҳисоблаш марказини ташкил этиш

хисобига хал этилади. Иккинчи тоифага тезкор ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш масалалари киради.

Комплекс техник система:

35

- автомобилларни ТХ ва Т ни истиқболлаш, календар ва тезкор ишлаб чиқаришни режалаштиришни таъминлаш керак;
- ишчи постларда турган автомобилларни ва уларни гараж номерларини рўйхатга олиш керак;
- таъмирлашга келган ва кутаётган автомобилларни турган ва келган вақти хақида сўралган маълумот бериш керак;
- ишчи постларга келиб турган автомобилларни рўйхатга олиш керак;
- автомобилни ишчи постга турмаган холда буни кайд этиши керак;
- автомобилни ишчи постга турган холда автомобилни таъмирлани режалаштирилган вақтини таъминлаш;
- автомобилни постда туриш вақтини назорат этиш;
- автомобилларни ишчи постларда бекор туриб қолишини ва сабабини рўйхатга олиш;
- хар бир ишчи постларда автомобилларни умумий туриш вақтини рўйхатга олиш;
- сўровга қараб автомобилларга иш топиш;
- эхтиёж қисмлар захираси хақида маълумот бериш;
- ишчиларни ишга келиб кетишини назорат қилиш;
- статистик ахборотларни ишлаш ва тахлил этишни таъминлаш.

4.2 Транспорт бўлимини бошқаришда компьютер ва тармоқлар техникадан фойдаланиш.

Ишлаб чиқаришнинг жараёнларини бошқаришни ахборотлаштиришда замонавий ахборот тизимларига хос умумий

қоидаларига суяниш керак. Хар қандай ахборот тизимининг асоси маълумотлар базаси(МБ) Ходимлар бу базага амалий дастурлар пакети (АДП) орқали кирадилар, ёки автоматлаштирилган иш ўринлари (АИУ) орқали.

АИУ бу- ходимнинг иш ўрнига жойлашган техника ва дастурлар мажмуаси бўлиб, автоматлаштирилган диалог режимида бошқарув вазифаларидан айримларини бажариш имконини беради. АИУ ларни

36

шартли равишда МБ га маълумот киритувчи ва МБ дан маълумот чиқариб берувчи тоифаларга ажратиш мумкин. Маълумотлар киритилиши қуйидагича бўлади:

- 1.Бирламчи хужжатлардан (техник паспорт, йўл варақаси ва бошқалар)
2. Транспорт бўлими ходимларидан талабнома (таъмир учун буюртма, эхтиёж қисмларни олиш учун ва бошқалар)
3. Объектларни автоматик идентификациялаш воситаларидан (магнитли, штрихли, радиочастотали ва бошқалар).

Агар бирламчи хужжат ташқаридаги корхоналарда вужудга келса (масалан, автомобилнинг техник паспорти), маълумотлар компьютерга тайёр хужжатдан киритилади.

Агар хужжат транспорт бўлимининг ўзида вужудга келса айланмасини қайта кўриб чиқиш, яъни бирламчи хужжатлар иложи борича камайтириб, ЭХМ да шакллантириш, иккиламчи ва оралиқ ташувчиларни бекор қилиш;

- ММА ларни жорий маълумотлардан ажратиб олиб, магний ташувчиларга сақлаш;

- транспорт корхонасининг хамма бўлинмаларида

Ягона ММА дан фойдаланиш;

-ЭХМ га бирламчи ахборотни бир марта киритиб, хато кетиш эхтимоллигини назорат этиш;

-транспорт бўлимининг бўлинмалари ўртасида ахборот алмашинувчиларини камайтириш мақсадида масалаларни қайта тақсимлаш;

- хамма ахборот тизимчалари реал вақт режимида ишлаши;

- тизимни яратишда маълум босқичларда риоя қилиш.

4.3 Ишлаб чиқаришни бошқариш ахборот тизимининг тузилмаси ва фаолияти

37

Транспорт бўлимида маълумотларни қайта ишлаш технологияси марказлашмаган ходимларнинг ўзи бирламчи хужжатларни қўл кучи билан қайта ишлайдилар, чиқиш хужжатларини шакллантирадилар.

Ахборот тизимининг умумий схемаси (2 расм) автоматлаштирилган иш ўринларини ўз ичига олади.

Ахборот тизимини жорий қилиш маълум кетма-кетликда бажарилади. Хамма иш ўринлари ахборот маъносида бир- бирини таъминлаб туради.

Биринчи босқичда ММА билан, иккинчи босқичда бирламчи жорий ахборот билан ишловчи, учинчи босқичда чиқариш хужжатларни таъминловчи иш ўринлари яратилади. Транспорт бўлимининг мажмуавий тизимини яратишда биринчи навбатда «Техника бўлими» ва «Кадрлар» АИУ ни яратиш лозим, чунки харакатланувчи таркиб ва ходимлар ҳақида маълумот бўлмаса, бошқа кичик тизимлар самарали ишлай олмайди.

Иккинчи босқичда диспетчер фаолияти, йўл хужжатларини қайта ишлаш, ёнилғи сарфини ҳисобга олиш бўйича кичик тизимлар яратиш керак. Йўл варақаларини қайта ишлаш натижасида ёнилғи

сарфи хайдовчилар иши ва автомобиллар босиб ўтган йўл хақида маълумотлар шаклланиб бўлади.

Учинчи босқичда бухгалтерияни (иш шакларини ҳисобдаш) ва режа бўлимининг иш ўринларини (корхона фаолиятини таҳлил этиш бўйича ҳужжатлар) яратиш мумкин.

Тўртинчи босқичда босиб ўтилган йўللарни ҳисобга олиш йўлга қўйилган, шиналарни ишини ҳисобга олувчи техник таъмирлаш зонаси (ТХК-1, ТХК -2 ни режалаштирувчи, ТХК га ва ЖТ га қўювчи диспетчер, ТХК ва ЖТ ишларин ҳисобга олувчилар), омбор бўйича АИУ ни яратиш мумкин.

Корхона ходимлари хал қиладиган масалаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: Ҳисобга олиш-статистик ва бошқарувга оид.

38

Ахборот тизимларини корхонага жорий қилишни биринчи гуруҳ масалалардан бошлаш керак (ҳодимлар ишини, ёнилғи ва эҳтиёж қисмлар сарфини, таъмирлашлар ва бошқаларни ҳисобга олиш).

Ахборотларни йиғиш, сақлаш жараёнлари ва ҳисобот қоғозларини шакллантириш йўлга қўйилгач иккинчи гуруҳ масалаларига иаркнинг ишлаш қобилиятини ёнилғи шина ва эҳтиёж қисмлар сарфини бошқаришга ўтиш мумкин.

ЭХМ ларни автокорхонада (транспорт бўлимида) қўллаш таҳлил қилинганда маълум бўлдики, ҳужжатларни машина ёрдамида қайта ишлашга ўтилганда ахборотлар ҳажми бирламчи ҳужжатлар бўйича 2 марта иккиламчи ҳужжатлар бўйича 10-15 марта камаяр экан.

Умуман шахсий ЭХМ лардан (ШЭХМ) фойдаланилганда ахборотларни қайта ишлаш харажатлари 60% га қисқариши мумкин. Бунда ишларнинг

қийинлиги қуйидагича тақсимланади. ШЭХМ га маълумотларни киритиш 95-96%, ахборотни қайта ишлаш ва чиқиш ҳужжатларини олиш 4-5%.

Шундай қилиб ШЭХМ ларини жорий қилишда технологик занжирнинг энг нозик жойи ахборотларни базага қўл кучи билан киритиш бўлиб қолади. Бу ишларни объектларни автоматик идентификациялаш воситалари ёрдамида автоматлаштириш мумкин.

4.4 Коғозсиз технологиялар ва идентификация воситалари.

Юқоридагилардан маълум бўлдики ходимларнинг 95-96 % вақти бирламчи ахборотни ШЭХМ га киритиш учун сарфланар экан. Бундан ташқари маълумотларни бузиш ҳолатлари бўлиши мумкин, юк ташувчи транспорт бажарилмаган рейсларни қўшиб ёзиш, масофани кўпайтириш юк ҳажмини ортириб кўрсатиш ва ёнилғини кўпайтириб олиш кабилар. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун объектларни идентификация воситалари (магнитли, штрихли, радиочастотали) дан назорат тизимидан фойдаланилади.

39

Идентификациянинг моҳияти шундаки, объектларга (автомобиллар, ходимлар иш турлари, эҳтиёж қисмлар ва бошқалар) кодлар берилади. Кодлар бевосита объектларнинг ўзига туширилади. Масалан штрих ёрлиқлари (ёзувлар) радиочастотали белгилар кўринишида компьютер тизимидаги маълумотлар базасидаги эса бу кодларга муайян ахборот тайинланади. Бу ахборот объектнинг ўзини тавсифлайди. Масалан: эҳтиёт қисмининг номи, нархи ва омбордаги миқдори).

Сканер (кодларни ўқийдиган қурилмалар) ёрдамида объектлар тўғрисида бажарилаётган ҳаракатлар (кирим, чиқим) ёки улар ҳолатидаги ўзгаришлар (таъмирга, ТХУК га юбориш) бу ҳаракатларнинг содир этилган сана ва вақти қайд этилади, бу компьютерга тизимига узатилади. Автоматик идентификация воситаларининг самарадорлиги-ахборотларни компьютерга бир

онда киритиш имкониятида бўлиб, бунда маълумотларни тасодифан ҳам, атайлаб ҳам бузиш мумкин эмас.



3-расм „1,2,5” raqamli ta`mirlash varaqasining nomeri („5 dan 2” qodi bilan shtrixla
Магнитли ва штрихли кодларни қўллаш технологияси бир-бирига ўхшаш. Иккала ҳолатда кодланган ахборот туширилган карточкалардан фойдаланилади. Бу ахборотни махсус қурилмалар автоматик тарзда ўқийди. Штрихли код ўзига хос алфавит шаклда тузилади, уларнинг ёрдамида ахборотни автоматик тарзда кодлаштириш ва кейин ўқиш мумкин. Штрихли кодларнинг йўл-йўл чизиқлари иккита рақамни билдиради: Энли чизиқ «1»ни Энсиз-«0» ни. Хар бир коднинг учта элементи бор.: бошланғич чизиқлар тўплами (коднинг бошланиши) кодланган маълумотлар код охирининг чизиқлар тўплами. Штирхли

40

кодларнинг тахминан 20 хили бор. Энг оддийси «5дан2» деб аталади. (1 жадвал) Бунинг ёрдамида фақат рақамларни («0 дан 9» гача) кодлаш мумкин; хар бир рақам учун 5 та чизиқ берилади, 2 таси энлик, 3 таси энсиз. Бу коддаги чизиқлар ораси ҳеч нимани билдирмайди ва оралиқ энсиз чизиқчалик келади. Масалан «125» рақамли таъмирлаш варақаси, шу код ёрдамида кодланган, унинг рақамлар қатори- 110100010100110100101 (3 расм) Баъзи кодлар мураккаб тузилади. Масалан «39» деб аталган Кودда чизиқлар ҳам уларнинг оралиғи ҳам маълум маънога эга; бу усул билан рақамли ва тимсолий ахборотларни кодлаш мумкин.

Штрихли идентификация усуллари турли объектлар (товарлар, хизматлар, моддий буюмлар) нинг харакатини (кирим чиқим)

хисобга олиш масалалари учун қўлланади. Бунда объектларнинг ўзидан ташқари уларни қабул қилувчилар ёки берувчилар ҳам кодланади.(автомобиллар, эҳтиёт қисмлар, агрегатлар, деталлар, мойлаш материаллари иш турлари ва б) Берувчилар ва олувчилар ходимлар (омборчилар, хайдовчилар, таъмир ишчилари) ҳам бўлимлар мумкин. Штрихли кодларни АТК нинг қуйидаги хисобга олиш масалаларида қўллаш мумкин:

- омборлар эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг харакати;
- харакатланувчи таркибнинг йўлдаги иши;
- автомобилларнинг гараж ичидаги харакати;
- ёнилғи сарфи;
- таъмирлаш зонаси ишчиларнинг иши.

Обектларни штрихли идентификациялаш ёрдамида ЭХМ 88...90 фоизгача бирламчи маълумотларни киритиб, қоқоқ иш услубларини анча камайтириш мумкин. Умуман корхона миқёсида малумотларни ЭХМга киритиш бўйича меънат сарфи 78 ...80 фоизга камайиши мумкин.

Штрихли идентификация қўлланадиган, кенг тарқалган масалалардан бири- моддий бойликларнинг харакатини хисобга олиш (4 расм) Бунда

41


хар бир буюмга ягона код берилади. Бу код штрихли ёрлик кўринишида ёзилади ва деталга (стеллажга ёки щрамга) ёпиштириб қўйилади. Эҳтиёт қисмларни идентификациялаш учун деталнинг саталог рақамидан ёки номенклатура (омбор) рақамидан фойдаланиш мумкин. Деталларнинг саталог рақами одатда, 11...18 хонали номенклатура рақами 5-6 хонали бўлади. Агар (номенклатура коди) дан фойдаланиш керак. Бутун тармоқ миқёсида (АТК, автозаводлар , автомобилларга ТХ кўрсатиш станциялари, эҳтиёт қисм дўконлари ва б.) қўлланса, штрихли

идентификация хаммаси учун ягона бўлиши керак, демак саталог рақамидан фойдаланилади.

АТКга келиб тушаётган материалларни сканер ёрдамида расмийлаштиришда ЭШМга уларнинг кодлари ва миқдори киради. Эҳтиёт қисмлар харакатини хисобга олувчи тизим бу ахборотни қабул қилиб, тегишли электрон картотекаларга ёзади ва (зарурат бўлса) қирим хужжатини шакллантиради. Агар келиб тушган деталларда (ёки омбор стеллажларида) штрихли код бўлмаса, у махсус дастур бўйича шакллантирилади, коғозга чиқарилади ва детал (ёки крам)га ёпиштириб қўйилади.

“5 дан 2” турдаги штрихли код алфавити


Кодланадиган ахборот	Коднинг тимсоли				
1	1	0	0	0	1
2	2	1	0	0	1
3	1	1	0	0	1
4	0	0	1	0	0
5	1	0	1	0	0
6	0	1	1	0	0
7	0	0	0	1	1
8	1	0	0	1	0
9	0	1	0	1	0
0	0	0	1	1	0
Коднинг бошланиши	1	1	0		
Коднинг охири	1	0	1		



Шин штиртх

4-расм. Штрихли кодлашдан фойдаланиб АТКда эхтиёт қисмларнинг харакатини хисобга олиш схемаси.

1-материаллар харакати; 2-ахборотлар.



5-расм. Объектларни автоматик идентификациялаш воситалари ёрдамида шиналар ресурсини бошқаришнинг автоматлаштириш схемаси.

Эхтиёт қисмларни беришда омбор ходими олувчининг, бераётган деталларининг штрихли кодини ўқийди ва миқдорини кўрсатади. Бу маълумот сканер орқали эхтиёт қисмларни хисобга олувчи тизимга тушади, тегишли картотекаларга тузатиш киритилади (зарурат бўлганда) сарф - харажат хужжатлари шакллантирилади. Эхтиёт қисмларни хисобга олиш тизимида амалий дастурлар блоки бўлади, улар ёрдамида эхтиёт қисмлар сарфини тахлил қилиб тегишли хисобот хужжатларини шаклдантириш мумкин.

Кейинги йилларда тезкор ахборотлар ёрдамида автомобилларни эксплуатация қилишни автоматлаштиришга қизиқиш кучайди. Шундай мисоллардан бирини штрихли ва радиотўлқинли кодлаш ёрдамида

шиналар ресурсини бошқариш масаласини кўриб чиқамиз. (5 расм)

Шиналар штрих кодли ёрлиқлар ёрдамида ёки микросхемали

43

ретрансляторлар ёрдамида идентификацияланади. Ёрлиқлар шинанинг ён томонига резина елим билан ёпиштирилади, штрихли кодлар эса,

чўзилиш ва ишқаланишда ўчиб кетмайдиган махсус сиёх билан кўйилади. Штрихли кодлар сканер ёрдамида ўқилади. Радиотўлқинли микросхема шинанинг ички ён томонига махкамланиб унинг жойланиши шинанинг ташқи томонидан белгиланади. Микросхеманинг ток манбаи юк, унга махсус сканер 15...20 см яқинлаштирилганда уйғонади. Шунда микросхема шинанинг рақамини ўн хонали идентификатлашган рақам кўринишида узатади. Бу рақамни сканер эслаб қолади. Автоматлаштрилган тизимдан фойдаланилганда механик сканер ёрдамида автомобил номерини шина номерини ўқийди, уларнинг хар бири бўйича сканернинг хотирасига протектор нақшининг чуқурлиги ёзилади. Бу ахборот кун бўйи сақланади, кейин стационар компьютерга ўтказилиб кейинги хисоблаш ишларида кўлланади. Компьютер шиналарнинг ейилишини протектор нақши бўйича автомобиллар бўйича иш йўналишлари в ах. Белгилар бўйича тахлил қилади. Бу шиналар ейилиш жадаллигидаги оғишларга тезкорлик билан чора кўриш, ейилишдан кўриладиган харажатларини башорат қилиш, шина ишлаб чиқарадиган ва таъмирлайдиган фирмалар ишини баҳолаш имконини беради. Ахборот тизимининг самарадорлиги унинг тузилмасига (АИУ нинг сони ва таркиби, хал қилинадиган масалалар рўйхати, фойдаланиладиган техника воситалари ва б) боғлиқ, уни кўллаш

нафакат ходимлар ишининг самарадорлигига балки ишлаб чиқаришнинг узига ижобий таъсир этади (6 расм)

ЭХМ лардан фойдаланганда ходимлар қўл кучи билан қайта ишлайдиган ахборот хажми 60 % га камаяди, қайта ишлар тезлиги ва тезкорлиги юз, хатто минг марта ортади, хатолар кескин камаяди. Бирок асосий

самарадорлик (55...60%) асосий ишлаб чиқаришни бошқариш масалаларига тўғри келади. Бунга қабул қилинаётган қарорларнинг

44

тезкорлиги, ишлар бажарилишини назорат этиш, бекор туриб қолишларини пасайиши, эҳтиёт қисмлар сарфи ва х.к.

4.5 ЖПС навигацияси «Автовоз» Лар.

“GM-Ўзбекистон” ЁАЖ нинг транспорт бўлимидаги «Автовоз» (енгил автомобилларни ташувчи автояримтирккомалар) 2011 йилни январ ойидан бошлаб ЖПС навигация ускуналари билан жихозланиб йўналишларда (маршрутларда) юк ташиш фаолияти билан шуғулланишмоқда.

Ушбу ускуна сунъий йўлдан орқали олинган маълумотлар асосида «автовоз» ни турган жойини , маршрутни қайси қисмида кетаётганини босиб ўтган масофасини, вақтини ва тезлигини аниқлаш имконини беради. Бу маълумотлар диспетчерлик хизмати серверига узатилади. Юкни бу буюртмачига етиб боришини ва етиб борганини бир неча сония вақтида айтади.

Транспорт бўлимида юк ташиш маршрутларини харитаси диспетчерлик хизмати компьютерига туширилган бўлиб иш вақтини керакли вақтида «Автовоз» ларни юришини яъни юк билан буюртмачиларга бориши ва қайтиб келишини аниқлаш шунингдек назорт қилиш мумкин.

ЖПС навигация асбоб ускуналари «ИНТЭРРА СИСТЭМ» компанияси мутахассислари томонидан етказиб берилган ва ўрнатилган.

ЖПС навигация жихози 60 та «Автовоз» га ўрнатилган.

Жихозни келтириш ва ўрнатиш нархи 89.160. 000 сўмни ташкил қилган.

Ўрнатиш нархи- 4.528.080. Сўм.

Бир ойлик абонентлик тўлови -1.816.320 сўм

(Web мониторинг, оакет оро)

«Манн» русумли давлат рақами 60.114 САА

«Автовоз» Хайдовчи Нишонов Ғайратни маршрутдаги харакати 7-расмда акс эттирилган.

5. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида юк ва йўловчилар ташилади. ТХК ва ЖТ, транспорт воситаларини сақлаш автомобиллар ва эҳтиёт қисмларни харид қилиш, назорат – ташхис ишларини бажариш, тозалаш-ювиш ишларини бажаришдан, яъни умумий хизмат самарадорлигини ошириш асосий иқтисодий мақсадлардан бири. Бунинг учун фан ва техника ютуқларини, илғор технологияни жорий қилиш, хизмат кўрсатиш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, моддий меҳнат ва молия ресурсларини мақсадга мувофиқ ишлатиш, бошқариш тизимларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатишни қулай ташкил этиш ва режалаштиришда иқтисодий-математика усуллари, андозалар ва ЭХМларни кенг қўллаш каби омиллардан унумли фойдаланиш зарур. Оқибатда хизматларнинг самараси ошади.

Хизмат кўрсатиш. Хажмининг ўсиш суръати:

$$T_{\pi} = 100 * P_{\pi} / P_{\pi} * \%$$

P_{π}, P_{σ} - мос равишда режалаштирилган ва базис даврларда транспорт маҳсулотининг хажми тонна.

Автомобил транспортининг фойдаланиш фаолиятидаги умумий даромад хажмининг ўсиш суръати:

$$T_d = 100 D_{\pi} : D_{\sigma}, \text{ сўм}$$

D_{π}, D_{σ} -мос равишда режалаштирилган ва базис даврлардаги умумий хажми сўм.

Умумий рентабеллик сўзини ўзи қоплаш фойдали):

$$P_{\sigma} = I_{\sigma} * 100 / \Phi_{\sigma} + \Phi_{\sigma} \% ; P_{\sigma} = I_{\sigma} * 100 / C * \%$$

P_{π} -корхонанинг асосий фаолиятидан олинган ҳисоб-китобдаги фойда минг сўм;

$\Phi_{\sigma}, \Phi_{\sigma}$ -мос равишда корхонанинг асосий ишлаб чиқариш жамғарма ва меъёрланган айланма маблағининг ўртача йиллик нархи, минг сўм;

C – ташиш тан нархи, минг сўм.

Умумий рентабелликни ўсиши:

$$D_p = P_i - P_b, \%$$

P_i, P_b - мос равишда режалаштирилган ва базис даврдаги рентабеллик, %

Одамларни меҳнатини тежаш.

Меҳнатни тежашдан мақсад режадаги ишларни бажаришда унга бўлган сарф-харажатларни камайтириш ҳамда ишлаб чиқаришда банд бўлган кучларнинг резервларини аниқлашдир.

$$\Delta_n = H_b * J_r - H_n$$

H_b, H_n - мос равишда ва базис даврдаги асосий фаолиятдаги ишчиларнинг ўртача йиллик сони, одам;

J_r режалаштирилган йилдаги даромаднинг ўсиш индекси солиштириладиган йилга нисбатан.

Хўжалик юритиш жараёнида янги техникани жорий қилишдаги иқтисодий самарани ҳисоблаш.

Янги техникани ишга солиш натижасида ташиладиган ҳажмнинг режалаштирилган ўсиши:

$$D_w = B_1 (J_w - 1)$$

K - янги меҳнатни жорий қилишдан олдинги АТК бўйича бир йиллик ташиш ҳажми, тонна.

Иш унумдорлигини режали ўсиш индекси (J_w) янги техникани жорий қилиш натижасида,

$$J_w = \sum D_{wi} B_{i1} / W, B_1.$$

унумдорлигини ўсиши, I чора тадбирни жорий қилишдаги режали ҳажми, тонна;

K_i – янги техникани I чора тадбирни жорий қилишнинг режали ҳажми тонна;

W_1 - АТК бўйича ҳаракатдаги автомобилни янги техникани жорий қилишга қадар бўлган иш унумдорлиги.

5.1. "GM-Ўзбекистон" ЁАЖнинг транспорт бўлимида ахборот бошқариш тизимини қўллашнинг иқтисодий кўрсаткичлари.

Транспорт бўлимида ишлаш жадвалига асосан жами 524 та ходим ишлайди.

Шундан: маъмурий бошқарувчилар, инженер-техник ходимлар ва ишчи хизматчилар 80 тани, хайдовчи – экспедиторлар 494 тани ташкил қилади.

Паркдаги автомобиллар сони – 160 та, асосан МАЗ, Исузу ва МАН русумли автотирнамалардан иборат.

Автотирнамаларни паркдан фойдаланиш коэффициенти режаси 0,86 қилиб белгиланган, йиллик иш вақти 305 кун.

Бир кунда ишга яъни маршрутларга чиқадиган автомобиллар сони режага асосан 138 та. Юк Асака шаҳридан, "GM – Ўзбекистон" ЁАЖ автомобил заводидан Ангрэн шаҳридаги халқаро логистик марказни терминалига олиб берилади, масофа 576 км, юкни (енгил автомобиллар) ўртача оғирлиги 7500кг.

Битта "Автовозни" (автотирнамани) Асака – Ангрэн терминалигача юкни олиб бориш нархи шартномадаги тарифга асосан ўртача 800000 сўмни ташкил қилади.

а) юк ташиш кўрсаткичлари:

Транспорт бўлимидаги бир дона "МАН" давлат рақами 60.104 САА"Автовоз"ни (автотирнамани) юк кўтариш хажми ўртача 7500кг (7,5т).

Бир кунда автопаркдан ўртача 138 тадан "Автовоз"лар ишга яъни Асака – Ангрэн йўналишига чиқади.

Бир кунлик юк ташиш хажми – тоннада,

$7,5 \times 138 = 1035$ тонна.

Унда бир кунлик юкли масофа хажми тонна км.

$1035 \times 576 = 596160$ тонна километр

(576км-масофа Асака–Ангрен)

Бир йиллик юк ташиш хажми тоннада,

$$1035 \times 305 = 315675 \text{ тонна}$$

(305-бир йиллик иш кунлари) ва бир йиллик юкли масофа хажми – тонна. километр,

$$315675 \times 576 = 181828800 \text{ т.км.}$$

б). Даромад олиш кўрсаткичлари.

Бир “Автовоз”ни шартномавий тарифга асосан Асакадан-Ангрен терминалигача (масофа 576км) юкни олиб бориш 800000сўм қилиб келишилган.

Бир кунда амалда “Автовоз”ларни ишга чиқиш сони 138 та бўлса, бир кунлик даромад;

$$138 \times 800000 = 110.400000 \text{ сўмни ташкил қилади,}$$

Бу кўрсаткич бир йилда, 305 иш кунида

$$110.400000 \times 305 = 33.672000000 \text{ сўм.}$$

5.1 ”GM– Ўзбекистон” ЁАЖ транспорт бўлимида ахборот бошқариш тизимини қўллаш самарадорлиги натижалари.

Тайёр юкларни ташиш транспорт бўлимида штат жадвали бўйича 574 та ходим ишлайди, шундан 80 таси рахбарлар, мухандис-техник ходимлар ва бошқа ишчи хизматчилар, шунингдек 494 таси хайдовчи экспедиторлардир.

БМИ ни “Асосий қисми”да кўриб чиқилган яъни ахборот бошқариш тизимини (ЭХМни) қўлланиши натижасида бўлимдаги ходимларни қўл техникани, ёзув ишларини, хужжатларни почта орқали юборишни, автомошина ва эхтиёт қисмларни хисоботини тайёрлашни осонлаштирди ва шу билан бирга ходимларни қисқартириш ҳамда уларни иқтисодий самара берадиган иш жойларига ўтказишга олиб келди.

(2-жадвал).

№	Штатдаги иш жойларининг номи	қискартирилмасдан олдинги ходимлар сони	қискартирилганда н кейинги ходимлар сони
1	омбор мудир	1	1
2	Омборчи	1	-
3	калонна бошлиғи	5	4
4	тавбатчи нозим	4	3
5	Таксировшик	2	1
6	Бухгалтер	2	1
7	кадрлар бўлими	2	1
	Жами	17	11

Ахборот бошқариш технологиясидан (ЭХМдан) фойдаланиш тайёр юкларни ташиш транспорт бўлими ходимларидан 6 тасини қискартиришга олиб келди. Қўл меҳнати енгиллашди, қулайлик яратилди коғозга ёзиш ишлари камайди, иш хақи фонди қисман бўлсада тежалди. Транспорт бўлимида ўртача ойлик иш хақи 450000 сўмни ташкил қилади. Агарда 6 та ходимни бир ойлик иш хақи ҳисобланса;

Бир ойда $6 \times 450000 = 2.700000$ сўм

Бир йилда $12 \times 2.700000 = 32.400000$ сўм

Иш хақи иқтисод қилинган бўлади.

6. ҲАЁТ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ.

„GM- Узбекистон” ЁАЖ ишчиларни меҳнат қонунларини бузганлик учун жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир киши меҳнат қилиш қонунда белгиланган тартибда эркин иш танлаш адолатли меҳнат шарт-шароитларидан фойдаланиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзб Республикасининг қонуни.

Ушбу қонун 1993 йили 22 майда қабул қилинган ва кучга кирган.

1.-модда. Фуқороларнинг меҳнатни муҳофаза қилишига бўлган ҳуқуқлари.

Ўзб Республикаси фуқаролари чет эл фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатни муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат қонунчилиги меҳнат муҳофазаси қоида ва меёрларининг бузилиши учун қатий жавобгарлик белгилайди. Жавобгарлик турлари (3 турлидир):

1. Мамурий жавобгарлик (уялтириш, хайфсан элон қилиш, вақтинча ёки бутунлай паст даражали ишга ўтказиш, имтиёзларни чеклаш).

2. Жиноий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексга биноан олиб борилади.

Масалан:

-қонданинг бузилиши бахтсиз ходисага олиб келса, 1 йилгача ахлоқ

тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш ёки беш минимал оқладгача жарима, ёки ишдан бўшатиш чоралари қўлланилади:

-қонданининг бузилиш тан жароҳатига ёки меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келса, 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 1 йилгача ахлоқ тузатиш чоралари қўлланилади:

-қонданинг бузилиши кишининг ўлимига ёки бир неча кишининг оғир тан жарохатига сабаб бўлса., 5 йилгача озодликдан махрум бўлиши мумкин:

-корхонадан чиқаётган чиқиндилар туфайли ҳаво ва сув хавзаларининг ифлосланиши учун 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига ёки беш минимал окладгача жарима тўланади.

3. Моддий жавобгарлик.

Қонунсиз равишда ишдан бўшатиш, мажбурий иш қолдирган, касбий касаллик туфайли жабрланган кишига тўланган ҳақни раҳбар лавозимидаги ходимдан қисман ёки тўлиқ ундириб олиш.

«GM -Ўзбекистон» ЁАЖ нинг тайёр юкларни ташиш транспорт бўлимини ахборот бошқариш тизимида ишловчи ходимларга меҳнат шароитини яхшилашга ва соғлигини химоя қилишга катта эътибор берилади. Бошқарув раҳбарлари диспетчерлик тиббий ходим таксировщик бугалтерия ходимлар бўлими ва дам олиш хоналари техник ҳамда табиий офатлардан химояланиш чоралари кўрилган. Бинолар хоналар иш жойлари ва ЭХМлари электр ёнғин портлаш газ билан боғлиқ хавфли офат ҳамда яшиндан химоя қилишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилган. Маъмурият ва касаба уюшмалари мутахасислари тамонидан ишчи-хизматчиларни дам олиши учун махсус хоналар ажратилган моддий ва маънавий имтиёзлар берилган.

Санитария ва гигиена талабларига жавоб берадиган иш жойлари ишчи устибошлари шунингдек ҳар ойда моддий рағбатлантирувчи омиллар ташкил қилинган.

6,1. электр хавфсизлиги.

Транспорт бўлимини ахборот бошқариш тизимида ишловчи ходимларни электр хавфсизлигидан таъминлаш меҳнат шароитини яхшилаш учун қатор хавфсизлик чоралари ўтказилади.

52

Электр ускуналари ва ЭХМ лари қуйидаги ҳолларда ерга уланади;

- 1. 380 в ва ундан юқори кучланишдаги ўзгарувчан ток 440вт ва ундан юқори кучланишдаги ўзгармас ток билан ишловчи барча ускуна ва жихозлар;**
- 2. 42в-дан 380в-гача кучланишдаги ўзгарувчан ток ва в-дан 440в-гача кучланишдаги ўзгармас ток билан ишловчи электр жихозлари;**
- 3. 42в ва ундан кичик кучланишдаги ўзгарувчан ток ва 110в ва ундан кичик кучланишдаги ўзгармас ток билан ишловчи портлашга моил электр жихозлари.**

Электр қурилмаларини қўллаштириш ушбу қурилманинг электр токи таъсирида бўлмаган металл қисми нол 6 фаза билан солиштирилади . бундан ташқари электр хавфсизлигининг ошириш мақсадида химоя ажратгичларидан ҳам кенг фойдаланилади. Химоя ажратгичлари вазифасини электр токи уриши хавфи содир бўлганда электр занжирини автоматик равишда дархол узишдан иборат. Химоя ажратгичларининг ишга тушиш вақти 0.2 секунддан ошмаслиги зарур.

6.2 яшин ва момоқалдирокдан сақланиш.

Яшин ва момоқалдирок вақтида кучли электр зарядлари ҳосил бўлиб уларнинг кучланиши 2,8-8млн в-гача ток кучли эса 20000А-гача етиши ва бундай зарядлар биноларга машиналарга инсонларга ва бошқа нарсаларга катта зарар етказиши шунингдек турли ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай вақтда яшиннинг таъсири бирламчи (тўғри уриш) ва иккиламчи (электр статик ва

электр магнит индукциялари кўринишида) бўлиши мумкин. Шу сабабли бинолар ва иншоотларга яшин қайтаргичлар ўрнатилиши зарур. Яшин қайтаргичлар 3 элементдан; Яшин қабул қилгич ток утказгич ва ерга улаш системасидан ташкил топади. Улар стержен антенна ва тўр кўринишида бўлади. Яшин қайтаргичнинг энг оддий конструнцияси биноларни (уйларни) тепасига ўрнатилган яшин қабул қилгич ва ерга уланган стержендан иборатдир.

53

Яшин қабул қилгичлар узунлиги 1,0-1,5 метрли кесими 100 мм² дан кичик бўлмаган пўлат стерженлардан тайёрланиб турбасимон темир бетон ёки ёғоч таянчларга берктирилади.

6.3. электр ускуналари жихозлари ва ЭХМ лардан фойдаланишда талаб қилинадиган техника хавфсизлигидан махсус йўриқнома.

1. Электр ускуналарини ва ЭХМ ларини электр тармоғига улашдан олдин албатта тутқични соат милага қарши бемалол айланишини текшириб кўриш лозим.

2. ЭХМ ларни электр тармоғига улаш махсус разетка орқали амалга оширилади қайсики унинг химоя контакти электр қурилманинг ерга уланган химоя қилувчи сим коидаларга мувофик ерга уланган бўлиши керак.

3. ЭХМлар ишлаб турган вақтида, номаълум сабабларга кўра машиналар тўхтаб қолган вақтида, шунигдек тўсатдан тўхтатиб кўйилганда, уни дархол электр тармоғидан ўчириб кутиш, тутқични қўл кучи билан ишлайдиган узатмага ўрнатиш зарур ва машинани текшириб чиқадиган барча ишларини, қўл кучи билан ишлайдиган узатмалардан фойдаланган холда олиб бориш лозим.

4. Электр тармоғига уланган машиналар билан таъмирлаш, тузатиш ишларини олиб бориш ман этилади.

5. Машиналарда ишларни тугатиб бўлгач, электр тармоғидан штепсел вилкасини (тутқични) чиқариб олиш, электр қувватини ўчириб қутиш лозим.

6. Машиналарда ишлаш қоидаларини билмайдиган шахсларни машина ёнига келиб ишлашига йўл қўйилмаслиги шарт.

7. Машиналарда носозлик бўлганда уни электр тармоғидан узиб қўйиш зарур, тузатиш учун махсус мутахассислар жалб қилиниб созлангандан сўнг фойдаланиш керак.

54

Ушбу ҳаётий фаолият хавфсизликларига амал қилиш ва таъминлаш, тайёр юкларни ташиш транспорт бўлими ахборот бошқариш тизимидаги ходимларнинг меҳнат фаолиятини химоя ва муҳофаза қилган бўлади.

7.ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Битирув малакавий иши учун «GM-Ўзбекистон» ЕАЖ нинг транспорт бўлимида ахборот бошқариш тизимларини қўллаш самарадорлиги мавзуси танланган. Дунё олимлари ва мутахасислари ХХИ-асрини компютер (ЭХМ) асри бўлади деб бежиз башорат қилишмаган. Чунки бугунги кунда ишлаб чиқаришда заводлар ва фабрикаларда автомобил ва автомабил соҳасини бошқаришда ўқув ҳамда илмий даргоҳларда юқори ва қуйи бошқарув органларида барча бизнесмен ва тадбиркорлар шунингдек оддий оилалар ҳам инсон меҳнатини енгиллатувчи бошқаришни осонлаштирувчи қулайлик яратувчи Янги ғоялар (инноватциялар) кўмаклашувчи ЭХМ лардан яъни ахборот технологияларидан фойдаланишмоқда.

« GM - Ўзбекистон» ЁАЖ нинг тайёр юкларни ташиш транспорт бўлимида ахборот бошқариш технологиясини қўллаш натижасида юқори самарадорликка эришилмоқда-хужжатларни йўл варақаларини накладнойларни (юк варақаларини) қайта ишлаш ёнилғи сарифини автомабилларни юрган масофасига боғлаб ҳисоблаш эҳтиёт қисм ва материаллар сарфини штрихли кодлардан фойдаланиб ҳар куни ҳар ойда ҳисоботини юритиш автошина ва аккумуляторларни босиб ўтган йўлдаги юришига ҳамда ишлатилган соатига қараб ҳисобдан чиқариш (списания) хайдовчиларни иш соати иш ҳақи ҳисоботлари компьютер орқали бажарилмоқда ва бошқарилмоқда.

Тайёр юкларни ташувчи транспорт бўлимида «Автовозларни (автотиркамаларни)маршрутдаги (йўналишдаги) ҳаракатини «JPS»навигацион ускуна билан бошқариш (2011 йилни январ ойидан бошланди) транспорт бўлимига катта қулайлик яратди.

«JPS» навигацион усқунани электрон блокни юк автомобилларига ўрнатилган бўлиб бошқарув жихози эса транспорт бўлимининг

56

диспечерлар хонасидаги компьютерга уланган бўлиб алоқа сунъий йўлдош орқали амалга

оширилади. Бу билан «автовоз»ни каерда кетаётганини турган жойини босиб ўтган йўлини иш соатини тезлигини ёнилғи сарфини юкни манзилга ўтказганини билиш ва назорат қилиш мумкин.

Компютерга тушурилган харитада юк автомобилни маршрутдаги харакати нуқталарда диаграмма шаклида кўриниб туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ишчи жойларида ошиб бораётган рақобат хизмат вазифаси бўйича силжиш янги билимларни эгаллаш янги малакаларни пайдо бўлиши ишбилармонларни ортиб бориши йирик корхоналарда янги тафаккур ғояларнинг (инновацияларнинг) пайдо бўлиши бошқарувчилар муҳандис-механик ходимлар ишчи хизматчилар ва бўлажак мутахасислар олдига янгича ишлаш илмий-техникавий изланиш иш жойларини модернизациялаш билан ва ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиб корхоналар самарадорлигини оширишни талаб қилмоқда.

Тайёр юкларни ташиш транспорт бўлимида амалга оширилаётган юк ташиш ишлари кундан-кунга ривожланиб янгича тус олиб бораётган бўлсада янада яхшилаш мақсадида қуйдаги таклифларни билдираман;

1. «Автовоз»лар Асакадан –Ангренга (Тошкентга) юк билан бориб қайтишда юксиз келади, иқтисодий самарадорликни ошириш учун юк билан қайтишини ташкил қилиш;

2. «Автовоз»лар юкларни фақат Республикамиз худудида ташийди МДХ Республикаларга юкларни ташиш мақсадга мувофик бўлиб халқаро йўларни ташишга лицензия ва «ТИР»олиш зарур;

3. «Автовоз»ларни маршрутдаги (йўналишлардаги) ишини янада яхшилаш назорат қилиш ва доимо алоқада бўлиб туриш учун «JPS» навигацион ускунани янги мониторингли (экранли) такомиллашган турига қайта жихозлаш. Ушбу ускунанинг мониторинги юк

57

автомобиллига ўрнатилиб хайдовчи маршрут харитасини мониторингда кўриб ҳаракатни давом эттиради.

8. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Каримов.И.А “Жахон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида унинг бартараф этишининг йўллари ва чоралари.” Тошкент-Ўзбекистон-2009, 40-бет.
2. Каримов.И.А “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 328-бет.
3. Каримов.И.А ” Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли” Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамизни босиб ўтган йўли ва қабул қилинган тамойилларини амалга оширилиши соҳасидаги тараққиёт йўли ушбу асарда акс этирилган Т :Ўзбекистон,1992,38-бет
4. Каримов.И.А “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли” .Босқичма –босқич бошқарувни ва иқтисодий кўрсаткичларни такомиллаштириш ҳамда “Ўзбекистон модели” деб қабул қилинган йўлида аҳолини ва хўжаликларни бошқариш ёритилган. Т:Ўзбекистон,1993,118-бет.
5. Каримов.И.А “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Ушбу асарда мамлакатимизни босиб ўтган йўли , истиклолга эришилган йиллардаги қийинчиликлар ва келгуси асардаги вазифалар кенг маънода илғор фикрлар берилган Т.: Ўзбекистон, 1999,63-бет.
6. “Халқ сўзи” газетаси 2010-йил 13-ноябр Н220(5135) “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”.Каримов.И.А маърузаси.
7. Мусажонов.М.З ”Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойихалаш”. Тошкент Фан. 2006, 230-бет.
- 8.Хамроқулов.О Магдиев.Ш “Автомобилларнинг техник эксплуатацияси”.Тошкент 2005, 223-бет.

9. Сиддикназаров. К.М. умумий тахрири остида таржима қилинган. “автомобилларнинг техник эксплуатацияси”. Тошкент, Ворис – нашриёт, 2006, 630-бет.
10. Асаматов. Э.А Тожибоев. А.А “Ишончлилиқ назарияси ва диагностика асослари”. Тошкент, Иқтисод – Молия, 2006, 159-бет.
11. Махмудов. Г., Хамроқулов. О “Автомобил электр ва электрон жихозлари 1-қисм, Жиззах, 2006, 150-бет.
12. Гурин. Ф.В, Клеников. В.Д, Рейн. В.В “Автомобилсозлик технологияси “Тошкент 2001, 239 бет.
13. Болбос. М.М Основы технические эксплуатации автомобилей. Минск.: Амолорей, 2001, 125 стр.
14. Шестопалов С.К. “Устройство техническое обслуживание и ремонт легковых автомобилей, : Академия, 2002, 544 стр.
15. Данов. Б.А. Электронних система управление иностранных, автомобиллар. М.: Горячая линия – телеком, 2002, 224 стр.
16. Правила технической эксплуатации автозаправочных станций: П Д 153-39.2-080-01, М.: Деан, 2002, 48 стр.
17. Стоянки автомобилей С.НиП 21-02-99. Санкт-Петербург, 2002, 32 стр.
18. Алматаев. Т.О, Носиров. И.З “Транспорт воситалари ички ёнув двигателлари” Андижон, Хаёт, 2002, 92 бет.
19. Қосимов. Г.М “Транспорт корхоналарида менежмент”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2001 448 бет.
20. Хўжаев. Б.А “Автомобилларда юк ва пассажир ташиш асослари. “Тошкент, Ўзбекистон 2002, 240 бет.
21. Махкамов. К.Х, Алматаев. Т.О “Машиналар пухталиги “Андижон, Хаёт. 2002 йил 110 бет.
22. Хўжаев. Б.А “Ягона транспорт тизими ва хар хил транспортлар ўзаро ёндашуви”. Тошкент – Мехнат – 2004 254 бет.

23.Мавлонов.Б.М. ва бошқалар “Автомобил ва двигателларни таъмирлаш”

Тошкент “Ўқитувчи” 2002 йил 278-бет.

24.Авто + газетаси 2011 йил 6 январ Н1 (1174).

Мақола “ГПС новигацияли такси машиналари”.

25.Авто + газетаси 2011 йил 24 март Н12 (1185).

Мақола “Йўл харакати компютер орқали бошқарилади”.

26.Авто + газетаси 2011 йил 17 феврал Н7 (1180).

Мақола “Автомобиллар учун, қора қути”.

27. Ўқув адабиётлардан ташқари, илмий қўлланмалар, газета ва журналлардан ҳамда интернет маълумотларидан ҳам кенг фойдаланилди.

<http://www.Barclay.ru>

<http://www.maha.ru> . ташхисловчи асбоблар


<http://www.bmi-usa.com/> дастгоҳ ва қурилмалар

www.ziyo-net-uz

www.uz-ex-uz

www.ttb-uz

www.ziyo-free-net-uz-



ТВИТ БМИ 00

Ўз	варак	Ҳужжат	Имзо	Сана
Лойихачи		Тўйчиев С		
Маслаҳатчи		Солиев Қ		
Маслаҳатчи		Артиков С		
Раҳбар		Боботоев А		
Каф.мудир		Алматаев Т		

ТВИТ БМИ 00


Ахборот тизимларини қўллаганда корхона иши самарадорлиги ошиши омиллари

литер

У

Варак-1

Анд. М
ТВИ




Ўз	варак	Хужжат	Имзо	Сана
Лойихачи		Тўйчиев С		
Маслаҳатчи		Солнев Қ		
Маслаҳатчи		Артиқов С		
Раҳбар		Боботоев А		

ТВИТ БМИ 018

“GM-Uzbekiston”
 ЁАЖ Транспорт
 бўлимининг
 бош плани

литер	
у	
Варақ-1	



Уз	варак	Ф.И.О	Имзо	Сана
Лойихачи		Тўйчиев С		
Маслахагчи		Солиев Қ		
Маслахагчи		Артиқов С		
Рахбар		Боботоев А		
Каф.мудир		Алметов Т		


ТВИТ БМИ 01

“GM-Uzbekiston” ЁАЖ
 Транспорт бўлими-
 даги автомобилларга
 ўрнатилган “GPS”
 системасининг

литер

у

Варақ-1



2-расм. АКТ ахборот тизимининг тузилмаси.

Ўз	варак	Хужжат	Имзо	Сана
Лойихачи		Тўйчиев С		
Маслаҳатчи		Солиев Қ		
Маслаҳатчи		Артиков С		
Раҳбар		Боботоев А		

ТВИТ БМИ 01

“GM-Uzbekistan” ЁАЖни
 транспорт бўлимининг
 ахборот тизимини
 тузилмаси

литер	
у	
Варак-1	

Такризчи					ТВИТ. 4-курс. 1-гурух
----------	--	--	--	--	-----------------------

